



"ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ"
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ



Фан:

Қишлоқ хўжалиги
махсулотларини дастлабки
қайта ишлашни
механизациялаш.

Мавзу
10

ҚОРАҚҮЛ ҚЎЗИЛАРИНИ СЎЙИШ ВА
ТЕРИСИГА БИРЛАМЧИ ИШЛОВ БЕРИШНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ.



ЖУМАТОВ ЯКУББАЙ
КАРИМБОЙЕВИЧ



Қишлоқ техника ва
технологиялари кафедраси



РЕЖА:

1. Коракўл қўзиларини сўйиш ва терисига бирламчи ишлов бериш технологияси.
2. Коракўл қўзиларини бонитировкалаш.
3. Коракўл қўзиларини сўйиш ва терисига бирламчи ишлов бериш машиналари ва қурилмалари.

Асосий адабиётлар

1. Алижанов Д, Жуматов Я. Чорвачиликни механизациялашдан практикум. Тошкент “ТИҚХММИ” 2020, б.218 .
2. Алижанов Д, Жуматов Я. Озуқа тайёрлаш ва сақлашни механизациялашдан практикум . Тошкент “ТИҚХММИ”2020, б.98.
3. Суванқұлов Ш. Чорвачиликни механизациялашдан дарслик.
4. Хайтов У. Чорвачиликни механизациялашдан маъruzалар матни.
5. Р.Орипов, И. Сулайманов, Е.Умурзақов «Қишлоқ хұжалик махсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси» Тошкент, 1991
6. Нуритов И.Р. «Қишлоқ хұжалик махсулотларни сақлаш курилмалари» фанидан маъruzалар түплами. Тошкент, 2000у. 79 bet.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 8.07.2021 йилдаги ПҚ-5178-сон қарори.

**Ҳудудларнинг табиий-иклим шароитларига мос жун
йўналишларидағи майда шохли молларни кўпайтириш, озуқа
базасини ривожлантириш, тери ва жунни қайта ишлаш, улардан
яrim тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-
қувватлаш, яйлов майдонларида табиий равишда ўсувчи каврак
плантациялари захираларидан барқарор фойдаланиш, шунингдек,
пиллачилик тармоғи озуқа базасини кўпайтириш, экспортга
мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш
тўғрисида.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.02.2021 йилдаги
ПҚ-4984-сон қарори.**

**Бугунги кунда мамлакатимизда қоракўлчилик тармоғи
корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини
техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ўзбек қоракўли брендини
яратиш ва дунё миқёсида тарғиб қилиш, соҳанинг инвестицияий
жозибадорлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга
oshiрилмокда.**

**Шу билан бирга, майда шохли наслдор молларни кўпайтириш,
шунингдек, уларни сўйишиш, тери ва жунини қайта ишлаш, гўшт-сут
маҳсулотлари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш
корхоналарини ташкил қилиш тўғрисида.**

Б-биламан; БХ-билишни хохлайман; БО-билиб олдим

| БИЛАМАН (Б) | БИЛИШНИ ХОХЛАЙМАН (БХ) | БИЛИБ ОЛДИМ (БО) |
|--|------------------------|------------------|
| <p><i>1. Коракүл құзиларни бонитировкалаш деганда нимани тушунасиз?</i></p> <p><i>2. Терини қайта ишилаш деганда нимани тушунасиз?</i></p> | | |

Қоракўл қўзиларини сўйиши ва терисига бирламчи ишлов бериши технологияси.

Қоракўлчилик Республикаизда чорвачиликнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб қоракўлчиликнинг тарихий ватани ҳисобланади. Бу соҳа юртимизнинг 70% га яқин майдонини эгаллаган чўл ва яrim чўл худудларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадиган асосий тармоқ бўлиб қоракўл қўйлари ва терилари етиштириш билан шуғулланилади.

Қоракўл териси қоракўл қўйларининг 1-3 кунлигига сўйилган қўзиларининг териси бўлиб мўйна саноатида жаҳон миқиёсида ноёб маҳсулот ҳисобланади. Бу маҳсулот Республикаиздан жаҳоннинг ривожланган давлатларига экспорт қилинадиган маҳсулотлардан биридир.

Коракўл терисининг хусусияти турли шакл ва катталикдаги зич жингалаклар (масалан, ловиясимон, қалами ва ҳ.к) ҳосил қилувчи қалин, эластик, ипаксимон ялтироқ жун копламидири. Рангига қараб коракўл териларини кора (ўртача 80%), кўк (12..15%), сур, жигарранг, оқ ва бошқа хилларга бўлинади.

Коракўл қўйларининг қўзилари 1-3 кунлик муддатида сўйиб терисига ишлов бериш, фермаларда индивидуал ҳолда ёки илмий жиҳатдан асосланган потокли технология асосида амалга оширилади.

Индивидуал усулда барча технологик жараёнлар қўлда асосан бир киши томонидан бажарилади, потокли усулда ҳар бир жараён маҳсус жойда техника воситалари ёрдамида турли хил ишчи операторлар ёрдамида бажарилади.

Коракўл кўзиларини бонитировкалаш

Коракўлчиликда янги туғилган кўзилар уч кун ичидаги мутахассислар томонидан **бонитировкадан** ўтказилиб унинг хусусиятлари аниқланади. Энг яхши кўзилар (урғочи ва эркак) наслчилик ишлари учун олиб қолинади. Колганлари тери учун сўйишга ажратилади. Мавсумдан эрта ва кеч туғилган кўзилар ҳам сўйиш учун ажратилади. Мавсум давомида кўзиларни **бонитировкадан** ўтказиш отарларида ҳар куни бажарилади.

Кўзиларни ташиш. Сўйиш учун ажратилган кўзилар маҳсус рўйхатдан ўтказилиб, номерланиб хўжаликда (фермада) ташкил этилган кўзиларни сўйиш учун мўлжалланган марказий пунктларга келтирилади.

Кўзиларни тушириш ва тўдалаш. Барча отарлардан келтирилган сўйиладиган қўзилар транспорт воситаларидан туширилиб потокли усулда махсус транспортёр-кўтонга (оддий усулда кўтонга) жойлаштирилади. Бу кўтоннинг поли планкали транспортёрдан иборат бўлиб унинг ёрдамида қўзилар сўйиш жойига секин узатилиб берилади.

Кўзиларни сўйиш. Кўзилар белгиланган, яъни бўйлама усулда сўйилади. Бу усулда қўзининг териси яхлит ҳолда бўлади. Кўзиларни бу усулда сўйиш тери учун қўйиладиган асосий талаблардан биридир.

Қонни оқизиш. Сўйилган қўзининг қонини оқизиш камида **5 минут** давом этади. Потокли усулда конвейерда қўзининг орқа оёкларидан осиб қўйилади. Қонни маҳсус ваннага тушади ва тўпланади.

Ҳаво билан дамлаш. Қони оқизилгач қўзининг териси яхши ажралиши ва терниинг тўғри чизиклар бўйича стандарт бўлишини таъминлаш учун тери остига компрессор орқали ҳаво пулланади ва **0.25...0.30 кг/см³** босим билан дамланади.

Қўзи танасини кесиш. Қўзининг териси ажратилганда тўғри симметрик шаклда бўлишини таъминлаш учун дамланган қўзи танаси, олдинги ва орқа оёклари симметрик чизиклар бўйича кесилади, шу чизиклар бўйича териси ажратилиб олинади.

Терисини ажратиш. Кўзининг терисини ажратиш унинг орқа оёқларидан бошланади. Кейин биқини, думи, ён томонлари, орқаси, олдинги оёқлари, бўйни ва боши ажратилади. Ажратилган тери қайта ишлаш учун узатилади.

Терини ёғли қатламларидан тозалаш. Кўзи таънасидан ажратилган тери таркибида тери ости ёғлари, ҳар хил гўшт қолдиқлари мавжуд бўлади. Терини улардан тозалаш талаб этилади. Терини улардан тозаламаслик унинг айнишига олиб келади ва сифатини камайтиради.

Терини ёғли қатламларидан ва гўшт қолдиқларидан тозалаш асосан механик усулда уларни қириб олиб ташлаш орқали амалга оширилади.

Терини тузлаш (консервациялаш). Бу жараён терининг табиий ҳолатини сақлаб қолиш ва ундаги чиритувчи бактерияларни йўқотиш учун хизмат қилади. Коракўл териларига асосан икки хил, яъни териларни қуруқ ҳолатда тузлаш ва ҳўл (тузли эритма орқали) ҳолатда тузлаш усуллари ишлатилади.

Терилар қуруқ ҳолатда тузланганда терининг ўлчамларига боғлиқ равища ҳар бир тери учун **0,5...1,0 кг туз** ишлатилади. Тери текис стелажга тери томони юқорига қаратиб ёйиб текисланади ва бир текисда сепилади. Терининг **калла, елка, бадан қисмларига** кўпроқ туз сепилади. Кейинги тери биринчи устига териси юқори томонга қаратиб текис жойлаштирилади ва шу тариқа **50...80** та тери жойлаштирилиб тахлам ҳосил қилинади. Юпқа терилар тахлами **5...8 кун**, қалин тери тахламлари **8...10 кун** сақланади.

Терини қуритиш. Териларни тузлаш муддати ўтгандан кейин туз қолдиқларидан тозаланиб қуритиш учун махсус майдончаларга терисини юқорига қаратиб жойлаштирилади ва қуёш нурида ёки қурилмаларда махсус режим асосида қуритилади.


Терини тозалаш. Тери таркибидаги ҳар хил пардали қолдиқлардан, ифлосликлар, туз қолдиқларидан тозалаш талаб этилади. Бу жараёнда қўлда ёки махсус тозаловчи аппаратлар ёрдамида бажарилади.

Муддатли сақлаш. Бирламчи ишлов берилган қоракўл териларини маълум муддат махсус шароитда сақлаш ва талаб этилади. Бу вактда қайта ишлов бериш жараёнида деформацияланган қисмлари табиий ҳолатга келади.


Саралаш. Бирламчи ишлов берилган қоракўл терилари асосий ишлов беришдан один тери ўлчамлари, ранги, терининг турлари бўйича сараланади.

Маркалаш ва тойлаш. Гуруҳлар бўйича сараланган қоракўл терилари (20 жуфт) ҳолда ҳар бир жуфт тери жун қисми бирбирига қаратилиб тахланади ва материал билан ўралиб ип билан боғланиб тойланади. Ҳар бир тойга тери гурухининг тавсифномаси ёзиб маркаланади.

Қоракүл құзиларини сўйиш ва терисига бирламчи ишлов бериш машиналари ва қурилмалари.




а



б

а-ёгли қатламларни тозалаш станоги; 1- цисиши мосламаси; 2-игнапи барабон; 3-корпус; 4-узатма; 5- ричакли механизм; б- тузлаш қурилмаси: 1-цабул бункери, 2-кучма контейнер; 3- шахта; 4-түлдірүвчи корзина.

СЧС-2 дастгохининг схемаси



1-юқориги барабан; 2-пастки барабан; 3-шарнир; 4-барабан-ларнинг харакат узатиш механизми; 5-рама; 6-ричаг; 7-юк; 8-винт таянч; 9,12-электр двигателлари; 10-вентилятор; 11-чициариш каначи; 13-йунаптирувчи стол; 14-магнитт юргизгич.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1.Қоракўлчиликда янги туғилган қўзилар неча кун ичида мутахассислар томонидан **бонитировкадан** ўтказилиши керак.**
- 2.Кўзилар қандай усулда сўйилади?**
- 3. Нима учун теридаги ёғли қатlam тозаланади?**
- 4. Нима учун тери тузланади?**



ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ



JUMATOV YAKUBBAY
KARIMBAYEBICH

